

# “Максам-Чирчиқ” АЖ фаол хотин-қизлари иштироқида семинар ўтказилди

// 22 fevral 2024 йил

<https://special.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/maksam-chirchiq-azh-faol-hotin-qizlari-ishtirokida-seminar-u>



11-феврал – “Илм-фан соҳасидаги аёллар ва қизлар халқаро куни” муносабати билан “Максам-Чирчиқ” АЖ фаол хотин-қизлари иштироқида семинар ўтказилди.



Тадбирда Чирчиқ давлат педагогика университети педагогика кафедраси мудири, педагогика фанлари доктори, профессор Гулнора Эрназарова ҳамда педагогика фанлари фалсафа доктори, доцент Мафтуна Исламова иштирок этишди. Давра сұхбатида корхонада фаолият юритаётган хотин-қизларнинг илмий салоҳиятини ошириш, республика миқёсидаги танловларда иштирокини кенгайтиришга қаратылған таклифлар үртага ташланди.



Шу билан бирга, корхонада гендер тенглик масалаларида хотин-қизларга эътиборни кучайтириш, "Китобхон ходим" ҳамда "Заковат" танловларида иштирок этишга қизиқиши ошириш, хотин-қизларга нисбатан тазийик ва зўравонликларга қарши кураш тизимида қилиниши керак бўлган ишлар режаси келишиб олинди.

**"Максам-Чирчиқ" АЖ Матбуот хизмати**